O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ — ИҚТИСОДИЙ, ДЕМОКРАТИК, СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСЛ МАҚСАДИ ИНСОНГА МУНОСИБ ТУРМУШ ВА ФАОЛИЯТ ШАРОИТЛАРИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШДАН ИБОРАТ.

АҲОЛИНИНГ ЭНГ ҲИМОЯСИЗ ВА МУҲТОЖ ТАБАҚАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЭСА, ЎЗ НАВБАТИДА, ИСЛОҲОТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШНИНГ ГАРОВИДИР, БОШЛАНГАН ЎЗГАРИШ ВА ПОКЛАНИШ ЖАРАЁНИ ОРҚАГА ҚАЙТИШИГА ЙЎЛ БЕРМАЙДИГАН ИЖТИМОИЙ ТАЯНЧДИР.

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000 9

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ 2000 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ СЕШАНБА № 81 (26.631)

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР

Нафиса БЕКТЕМИРОВА, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг стюардессалар бригадаси бошлиғи:

ҲАЁТИМНИНГ УНУТИЛМАС КУНИ

— Ўшанда ҳам ёз эди. 1995 йил. Мустақиллигимиз тўйининг тўрт йиллигига тайёргарлик кўрилаётган эди. Менинг ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди. Ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Қолаверса, бу миллий авиакомпаниямизнинг галдаги тантанаси ҳам эди. Ўзбек заминидан, пойтахт Тошкентдан ҳавога кўтарилган самолёт чет элга учди. Нақадар ҳаяжонли. Буни сўз билан (шахсан менга ҳали ҳам шундай туюлади) ифодалай олмайман. А — 310 аэробуси Франкфурт-Майн шаҳри сари парвоз қиларди. Шу ҳаво кемасининг стюардессаси эканлигимдан қувончим чексиз эди. Йўловчиларни айтмайсизми? Ҳамма-ҳамманинг кўнглида ғурур. Озодликка чиққан ўзбек дунё билан ҳаво орқали борди-келди қилаяпти! Ҳануз ўзгача бир кайфият билан эслайман; самолёт хориж давлати аэропортига қўнганда, мен ўзимни кучли, қудратли бир давлатнинг, дунёнинг илғор давлатлари халқи билан тенг ҳуқуқли вакиласи сифатида ҳис этдим. Бу жудаям ёқимли эди. Ўзбекистон дунёга ҳаво йўлларини ҳам очган эди. Бу жараёнда ўзим гувоҳ бўлиб турганимдан фахрланардим. Хорижлик ҳамкасбларнинг самимий муносабатлари, эҳтироми бизда ўзимизга нисбатан ишонч пайдо қилди. Ортимизда тоғдай юксак давлатимиз, яъни таянчимиз борлигини ҳис этдим. Хорижликлар бизнинг Ватанимиз тараққиётига чин кўнгилдан ишонишар, барча соҳаларда имкониятимиз кенглигини суҳбат чоғида айтиб ўтишар, тарихимиз ва маданиятимизга қизиқишлари юксак эди. Шунда сездим мен, хорижлик дўстларимиз дунёқараши анча кенг, фикрлари теран кишилар, айниқса, бизнинг соҳамиздагилар жаҳоний сиёсатни тўғри англашар эдилар. Мен, биз ҳам шундай бўлишимиз керак, дунё билишимиз, ер юзини севишимиз керак, деган хулосага келдим. Бу, бундан беш йил бурун — тўқсон бешинчи йилнинг гаплари. Ҳа, истиқлолга эришганимизга энди тўрт йил тўлганда, бундай ҳолатнинг юз беришини тасаввур қилиб кўринг!

Яна бир гап: мана ўшандан бери беш йил ўтди, озодлигимизнинг тўққиз йиллигини нишонлаяпмиз. Шу беш йил ичида, миллий авиакомпаниямиз ҳаётида юз берган ўзгаришларни бир-бир кўз олдингизга келтиринг. Бугунгача рўй берган юксалишлар, янгиликлар давлатимиз тарихини ёрқин саҳифаларини безайди. Чет элларга парвоз қилиш одатий ҳодисага айланиб қолди. Океанорти давлатларига учиш ўзбек фуқароси учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Бизга, бизнинг самолётларимизга дунёнинг кўзи кўникди.

Бугун ҳам ўз ҳамкасбларим ҳамда йўловчилар билан хорижий давлатларга парвоз қилиш олдидан худди яхши бир кун — байрамни кутаётган каби тайёрланаман. Аслида ҳар бир парвознинг ўзи бир байрам. Айниқса, йўловчилар орасида чет элга илк даъфа учаётган кишиларнинг ботинидаги ифтихор туйғуларини англайман. Худди ўзим ҳам чет элга биринчи бор учаётганимдаги ҳаяжонли лаҳзаларни кўнглимда яна бир карра туяман. Бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳаво кемаларининг парвоз йўналиши турли-туман. Агар халқаро рейслар йўналишини эсласак, истиқлолимиз туфайли қўлга киритган ютуқларимиздан кўнглимиз равшан тортади. Лондон, Куала Лумпур, Жидда, Нью-Йорк, Париж, Пекин, Рим, Сеул, Стамбул, Деҳли, Тель-Авив, Франкфурт, Шаржа, Аль-Риёд сингари халқаро рейслар мавжудлиги фикримизнинг исботидир.

Менинг назаримда Ўзбекистонимизнинг «кумуш қанот» қушлари дунё бўйлаб дадил парвоз қилар экан, демак бу юртда инсонпарварлик, башар тақдирига даҳлдор эзгу-ишлар, тинчлик ва фаровонлик йўлида одил сиёсат юритилаётгани ўз аксини топаяпти.

■ Рукн учун масъуллар: Норбобо ШАКАРОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Шу кунларда Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Абдуссамад Озод расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Бангладеш ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи хусусида сўз борди. Томонлар ўзаро ришталарни янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятларни кенгроқ ишга солиш, икки мамлакат ишбилармонларининг алоқаларини ривожлантириш лозимлигини қайд этди.

Бангладеш аграр давлат ҳисоблансада, тўқимачилик саноати ривожи бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Шу боис, бангладешлик ишбилармонларнинг Ўзбекистон пахтасига қизиқиши катта. 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим қабул қилинганидан кейин икки мамлакат ўртасида шериклик кучая бошлади.

Музокараларда Абдуссамад Озод Бангладеш ҳукумати мамлакатимизни Марказий Осиёдаги муҳим ва кучли ҳамкор, деб билишини таъкидлади. Шунингдек, расмий Дакка Ўзбекистон ҳукуматининг минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши кураш борасида саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Бангладешлик меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан ҳам учрашди.

■ (ЎзА)

Олис-олисларда

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЯПОНИЯГА ЎҚИШГА БОРАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Японияниг халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА) ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ ўзбекистонлик 20 нафар ёш Японияниг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун ҳозирлик кўришмоқдалар. Танловда ғолиб чиққан бу ёшлар Японияниг Кюшу, Нагоя, Хитотцубаши, Веседа, Якахама ва бошқа бир қанча ўқув юртларида 2 йил мобайнида магистратурада ўқийдилар. Грант совриндорларининг биринчи гуруҳи июль ойининг охирида, қолганлари эса август ойида жўнаб кетадилар.

■ С.ЁҚУБОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 18 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	158,12
1 Австрия шиллинги	18,47
1 Англия фунт стерлинги	405,79
10 Бельгия франки	63,02
1 Голландия гульдени	115,36
10 Греция драхмаси	7,56
1 Дания кронаси	34,10
1 БАА дирхами	73,81
1 АҚШ доллари	271, 07
1 Миср фунти	78, 01
10 Испания песети	15,28
100 Италия лираси	13,13
1 Канада доллари	182,66
1 Хитой юани	32,74
10 Люксембург франки	63, 02
1 Малайзия рингити	71,34
1 Германия маркаси	129,98
1 Польша злотийси	62,72
1 СДР	357,84
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркаси	42,75
1 Франция франки	38,75
1 Швейцария франки	164, 07
1 ЕВРО	254,21
10 Жанубий Корея вони	2,44
10 Япония иенаси	25, 08
1 Россия рубли	9,73
1 Украина гривнаси	49,84

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ



САММИТДАН УМИД КАТТА

АҚШ Президенти Билл Клинтон Кэмп-Дэвиддаги ўтаётган саммит жуда оғир кечаётган бўлса-да, кутилган натижани беради, деб умид билдирди. Бу ерга журналистлар киритилмаяпти. Шунинг учун ичкарида қандай ўзгаришлар бўлаётганини аниқ айтиш қийин.

Клинтон саккиз йиллик президентлиги даврида ҳали бу қадар мураккаб музокарада иштирок этмаганини айтди.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

Жорж Буш АҚШнинг навбатдаги президенти этиб сайлангандан кейин ракетадан мудофаа тизимини такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор беради. Бу ҳақда у республикачилар партиясидан президентликка номзод сифатида «Эй-би-си» телекомпаниясига берган интервьюсида маълум қилди.

ЕВРО ҚАДРИНИ ТИКЛАЙДИМИ?

Евро зона сига кирган 12 мамлакатнинг иқтисодиёт ва молия вазирлари келгусида евронинг бошқа валюталарга нисбатан қиймати ошиши учун барча асослар борлигини таъкидлади. Ўтган якшанба куни вазирлар Брюсселда мажлис ўтказган ва евронинг қадр-қимматини кўтариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилган эди.

ҚАЕРДАДИР ИССИҚДАН, ҚАЕРДАДИР СОВУҚДАН

Шу кунларда Европанинг айрим мамлакатларида жазирама иссиқ туфайли ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юмаяпти. Жанубий Африка Республикасида эса бунинг акси юз бермоқда. Куни-кеча мамлакатда совуқ туфайли бир киши ҳаётдан кўз юмди, яна 16 киши оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Мамлакатда нашр қилинадиган "Стар" газетасининг ёзишича, маҳаллий "Қутқарув армияси" ташкилоти ходимлари кўчаларда мулзаб қолган одамларни топиб, шифохоналарга келтирган.

Маълумотларга кўра, айни пайтда ЖАРда ҳаво тўрт даража совуқ, бу мамлакат аҳолиси учун қаҳратон қиш билан баробар.

МАҲСУЛОТ НАРХИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Африканинг какао ишлаб чиқарувчи мамлакатлари жаҳон бозорида ушбу маҳсулот нархини ошириш учун бу йилги ҳосилнинг 250 минг тоннасини йўқ қилди. Хабарларга кўра, Кот-д'Ивуар, Гана, Нигерия ва Камерун ишбилармонларининг яқинда ўтказилган учрашувида шундай қарорга келинган. Какао экспорти мазкур мамлакатларнинг асосий валюта манбаи ҳисобланади. Кўп йиллардан буён ушбу маҳсулотнинг нархи тушиб бораётгани туфайли ушбу соҳада кўп зарар кўрилмоқда.

РАКЕТА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Эрон ҳарбийлари «Шаҳоб-3» русумли ракетанинг янги такомиллаштирилган нусхасини синовдан ўтказди. Эрон мудофаа вазирлиги маълумотига кўра, ушбу янги ракета билан 1300 километр узоқликдаги нишонни бехато уриш мумкин.

■ (ЎзА)

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

ЮРТНИНГ ЭГАСИ БОР

Гиёҳвандликнинг, наркотик моддаларни ноқонуний етиштириш, сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилишнинг нечоғли салбий оқибатларга олиб келиши, инсонлар саломатлигига, қолаверса, соғлом ижтимоий муҳитга қанчалар путур етказишини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Шунинг учун гиёҳвандликка қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида наркотик моддалар билан боғлиқ саккиз мингга яқин ҳолат аниқланиб, жиноятчилардан кўп миқдорда гиёҳвандлик воситалари олинган эди.

«Соғлом авлод йили»да мазкур йўналишдаги ишларга янада жиддийроқ киришилган. Бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида республика Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Жўрабек Раҳматов қуйидагиларни сўзлаб берди:

Бизнинг бўлимимиз вилоятлардаги бўлимларимиз билан ҳамкорликда бу иллатни йўқотиш, шундай воситалар билан шуғулланувчи жиноятчиларнинг пайини қирқишга ҳаракат қилмоқдамиз.

«Қорадори — 2000» тадбири бошлангандан буён республикамиз бўйича 1706 та гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди. Шундан 1463 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Наркотикларни ўтказиш билан боғлиқ 341 та жиноят фош этилди. Тадбир бошидан буён 1722 нафар шахс гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлари сабаб қўлга олинди. Шуларнинг ичида 93 нафари чет эл фуқароларидир. Республика бўйича 7605 квадрат метр майдондаги гиёҳвандлик ўсимликлари йўқ қилинди. Бундан ташқари 11437 квадрат метр майдондаги ёввойи наша ўсимлиги ўриб олиниб, ёқиб ташланди.

Наркотик моддаларни тарқатиш билан шуғулланаётган 187 нафар, бу заҳри қотилни етказиб беришни касб қилиб олган 48 нафар шахснинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Боз устига еттита бангихона ҳам аниқланиб, уларнинг эгалари жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратмоқчи эдим. Одамларнинг соғлиғига, жамиятдаги соғлом муҳитга путур етказадиган, гиёҳвандлик воситаларини экиш, тарқатиш, сотиш билан ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, билган, фарзандлар ўстираётган ёши бир жойга бориб қолган кишиларнинг, яна аёл кишиларнинг шуғулланаётганига ҳайрон қоласан. Булар ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларга панд-насиҳат қилиш, тўғри ва яхши йўлларга бошлаш ўрнига шундай номақбул, жиноий ишлар билан шуғулланаётгани кишини ҳақиқатан ҳам ажаблантирди.

Мен бир нарсани яна таъкидлашни истардим. Бу ишларнинг ҳаммаси — жиноят, қонунга зид. Бу борада ошиғим олчи бўлади, деб юрганлар қаттиқ адашадилар. Биз бундай қилмишларни фош қилишга, қонун олдида жавобгарликка тортишга қурбимиз ҳам, қудратимиз ҳам етади.

■ Наргиза ЙЎЛДОШЕВА

МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ

МУРУНТОВ — МАЪДАНЛАР ОШЁНИ

«Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонасининг иш бошлаганига беш йилдан ошди



Юрса оёғи, учса қаноти куядиган асрий Қизилқум, унинг жизғанак тоғу тошлари, ноёб қазилма бойликларга лиқ тўла ҳадсиз, сарҳадсиз кенгликларидан Менделеев жадвалига хос ҳамма элементларни топиш мумкин. Бироқ, Мурунтов тоғ тизмаси, Бурунтоғ яссилиги сирсаноати бутун дунёни ўзига қаратган. Бир сўз билан айтганда қўйниқўнжи тиллога тўлиқ бу ўтов, бу тоғ маъданлар ошёнидир. 30 йилдан ошдики, ўта харидоргир, жаҳон бозорибоп «9999» типидаги соф олтин олинади бу ердан. Эндиликда унинг қаторига Кўкпатас олтин кони, Учқудуқ мармар конлари қўшилган бўлсада, барибир Мурунтов олтинига, бу ноёб ўлка маъданига қизиқиш ниҳоятда катта.

Чет элликлар нигоҳи, қизиқиши ўлароқ юзага келган «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси фикримиз асосидир. Тўқсонинчи йиллар ўрталарида бошланган бу улкан қурилиш нафақат республика мустақиллигида, балки Ўзбекистон—Америка ҳамкорлигида янги қирралар очди. Ўз мазмун моҳияти билан тарих зарварақларига кирган «Зарафшон — Ньюмонт» Мурунтов маъданчилигида ўзига хос оламшумул воқеа бўлди. Зеро, бу қўшма корхона Мурунтов учун, унинг иккиламчи хомашёси — тоғ жинслари учун сув билан ҳаводек зарур. Чунки собиқ қизил империя давридаги «ура-ура»чилик олтин қазиб олишда қатор муаммоларни келтириб чиқарганди. Яъни олтини яхши тозаланмаган, «сунъий тоғлар» бунёд этилганди. Бу тоғлар ўттиз йил давомида «ўсиб» Мурунтов экологияси, табиий кенглигини издан чиқарди. Шунинг учун ҳам бу ҳудудга замонавий ва мукаммал хориж технологиясига эга бўлган «Ньюмонт Корпорейшн майнинг» танланди. Американинг сўлим Флорида штатида жойлашган «Ньюмонт Гольд» машҳурлиги, замонавий усул ва услуби жиҳатдан дунёда ягона. Бу таниқли фирма айни кезда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатлари олтин конларида «Ф-Ф», яъни «50-50» шартномаси асосида фаолият кўрсатаяпти. Худди шу илғорлик, нуфузли иш жараёнлари, шовқинсиз тегирмонлари сабаб «Ньюмонт» ишбилармонлари, асрий Қизилқумга, маъданлар мамлакати Мурунтовга таклиф этилиб, қўшма корхонага асос солинди.

1995 йил май ойида иш бошлаган «Майнинг Корпорейшн» 5 йил давомида 50 миллион тоннадан ортиқ тоғ жинсларини қайта ишлаб, 50 тонна соф олтин ишлаб чиқарди. Натижада Ўзбекистон соф олтин хазинасига ташландиқ тоғ жинслари, яъни иккиламчи хомашёдан бир неча тонна тилло қўшилди. Мана сизга мустақиллик меваси, ягона давлатчилик тизимининг илк ислоҳоти...

Энди қисқача «Ньюмонт Гольд»нинг ташкилий-таркибий даврига, аниқроғи, унинг иш жараёнларига тўхталадиган бўлсак, унда ҳаммаси бўлиб, 300 киши фаолият кўрсатаяпти. Ушбу ишчи кучининг 90 фоизи ўзбекистонлик олтинсозлар, маҳаллий аҳолига мансуб механик-муҳандислардир. «Гольд» учун кадрлар масаласини асосан республикамиз техника дорилфунунлари ҳамда Навоий кончилик институти ҳал этаяпти. Йилига 14-15 миллион тоннагача тоғ жинсларини қайта ишлай оладиган бу қўшма корхона асосан 3 та тегирмон, 9 та ихчам ҳаво тозалагичдан иборат бўлиб, у шовқинсиз, чиқитсиз ва табиатга зарарсиз ҳолда иш бажаради. Шунинг учун ҳам Мурунтов сунъий «тоғлар»и босқичма-босқич емирилиб, йил сайин табиат тенглигига, унинг софлигига эришилаяпти. Шартнома асосидаги бу афсонавий корхона 15 йил давомида сунъий «тоғлар»ни қайта ишлаб, маъданларини соф ҳолда ювиб, оддий қумни, тупроқни табиатга сепиб бериши керак. Ана ўшанда Мурунтов олтин кони ҳавзасини, унинг ён атрофини қадимгидек яна шувоқ, янтоқ, каррак, изень сингари табиий ўт-ўланлар босади. Яна табобат, ҳайвонот олами тенглигига эришилади. Бу эса келажак авлод учун асқотиши аниқ.

... Қизилқум қоқ белидаги ушбу қўшма корхонани нафақат XX аср, балки XXI асрнинг мўъжизаси, дейиш мумкин. Эндигина тетапоя бўлиб, лойиҳа қуввати жиҳатдан тўлиқ иш маромига эга бўлаётган бу корхона янги асрда янада ўсиб-улгаяди. Натижада у бундан-да аъло, жаҳон андозасидан ҳам юқори бўлган қуйма олтин ёмбиларини чиқара олади.

Ҳа, бугун бунга асос солинди. Қизилқум қўйнидаги бу афсонавий корхона эндиликда чет эл сармоядорлари, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатини тортаяпти. Шу эътибор сабаб, чет элликлар нигоҳи ўлароқ «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонасининг соф олтин қуймалари энг нуфузли Лондон, Токио биржаларида соф валюта ва долларга сотилаяти. Ўзимизда, ўзимизнинг заминда Жанубий Африка, Америка, Россия нодир қазилма бойликлари, жумладан олтинига рақобатбардош Мурунтов маъданлари мавжудми, демак мустақил мамлакатимизнинг эртаси-ю индининг иқтисодий мустаҳкамлигига замин бор.

■ **Муаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

КЛУБ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Партия Марказий Кенгаши кўрсатмасига биноан Хоразм вилоят кенгашида «Сиёсат» мунозара клуби тузилган эди. Унинг илк машғулотида партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, партиядан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари иштирок этдилар.

ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғайрат Машарипов маърузасида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи ва иккинчи сессиясида Юртбошимиз сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда шу йўсинда партия фаолиятини янги поғонага кўтариш масалаларига тўхталди.

«Сиёсат» мунозара клуби қатнашчилари маърузачига кўтарилган мавзу юзасидан саволлар билан мурожаат қилдилар. Ўз навбатида шу борада ўз фикрларини билдирдилар.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

МИРЗО БОБУРНИНГ ТАХТИ

ёки Гдляннинг шарманда бўлиши

80-йиллар ўрталаридан кейин жафокаш ўзбек халқига нисбатан мустабид тузумнинг яна бир хуружи кескин тус олди. Аслида бу хуруж уч бошли аждаҳонинг жон бериш арафасидаги сўнгги олов пуркаши эди. Қизил империя Гдлян ва Иванов каби ўз шотирларининг ифлос қўллари орқали халқнинг раҳбарларини обрўсизлантириш, миллат шаънига доғ тушириш мақсадида қуюшқонга сиғмайдиган разилона ишларни амалга оширди. Бироқ, ўзларини Ўзбекистонда ҳалоллик учун курашувчилар деб атаган бу кимсалар асли ким эди? Асли тозаман деган бу ювуқсизлар нафақат золим, ваҳший, балки бурнидан нарини кўролмайдиган ахмоқсифат одамлар эдики, буни қуйидаги воқеадан билиб оласиз.

Ушбу воқеалар ҳақиқий ҳужжатлар, аниқ манбалар асосида тикландики, у гдлянчиларнинг калтабинлик, овсарлик, қалондимоғликка берилиб, ўзларини Шерлок Холмсдан устун турадиган изқуварлар деб ҳисоблаб охир оқибатда ўсал, шармандаи шармисор бўлишганлигига яққол далолатдир.

1988 йил 4 май куни СССР прокуратураси тергов қисми кабинетларидан биридаги телефон бехос жиринглади. Кабинет соҳиби бироз вақт қўнғироққа қулоқ солиб турди-ю, сўнг аста, виқорли бир ҳаракат билан гўшакни кўтарди.

— Алло, СССР прокуратурасининг алоҳида, муҳим ишлар бўйича терговчиси Гдлян эшитади.

— Саломатмисиз, Тельман ака. Совет Иттифоқининг барча матбуоти сиз бизнинг бойларимиздан қанча-қанча тилло, марваридларни йиғиштириб олганингиз ҳақида ёзлгпти. Жуда тўғри иш, улар чиндан ҳам қутуриб кетишганди, бу ҳаммаси яхши, бироқ биласизми сизнинг тергов гуруҳингиз анча тор кўламларда иш олиб борляпти. Бамисоли минглаб тонна тупроқни элакдан ўтказяпсиз-у, бор-йўғи бир неча центнер олтин ва марварид ўйинчоқларини қўлга киритляпсиз, холос.

Гдлян телефон қилаётган шахсни Ўрта Осиё худуди, аниқроғи, Ўзбекистондан эканлигини англади-ю, ҳушёр тортди.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Мен беҳуда бирон нима демоқчимасман. Аксинча, сизга бир нарсани таклиф қилмоқчиман.

— Нимани? — қулоқлари тиккайди Гдляннинг.

— Мен сизга Бобурнинг тахтини таклиф қилмоқчиман.

— Тушунмадим. — Тарихдан мутлақо бехабар гумроҳ мосовсираб қолди.

— Тушуниш эмас, тарихни билиш керак, ака. Мен Андижондан чиқиб Ҳиндистонга подшоҳ бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурни айтяпман. Бобур ўз юртида душманлари билан урушиб енгилгач, Ҳиндистонга боради ва бу мамлакатни эгаллаб, машҳур Бобурийлар сулоласига асос солади. У мислсиз бойликлар эгаси эди. Мен ана шу подшоҳнинг тахти қаерда эканлигини биламан, бу тахт жуда ноёб, бениҳоя қимматбаҳо, терговчиларингиз эллик йилда ҳам бу тахт қимматига тенг олтинни тўплолмайдилар. Агар таклифимга кўнсангиз зиён қилмасдингиз.

Тельман Гдлян ўйланиб қолди. Бир томондан афсонавий, таги пуч гапга ўхшайди. Балки шантаж, провакациядир, бироқ терговчининг қонидаги олтинга, бойликка бўлган кучли ҳирс барибир устун келди.

— Яхши, — деди у ҳаяжонини аранг босиб. — Бир соатдан кейин келинг.

— Гўшакни қўйди-ю, терговчини бир-биридан ширин хаёллар чулғаб олди. Қаранг, қандай катта иш. Буюк Бобурийлар тахти, у ҳам олтину гавҳарлар билан безатилган, эҳтимол фил суягидан ясалган, қимматбаҳо буюм, иккинчидан, нодир тарихий ёдгорлик... Чет элдаги миллионерлар бундай асори-атиқа учун юз миллион доллар беришган бўларди.

Бир соатдан сўнг СССР прокуратураси тергов гуруҳига қарашли 403-кабинетда Солиев Муҳаммаджон Солиевич пайдо бўлди. Олис ўзбек диёридан келган бу одам СССР прокуратурасининг масъул ходимларига қандай муҳим хабарни етказмоқчи эди? Ҳиндистон ярим оролидаги улуғ Бобур империяси билан мустабид совет империяси ўртасидаги қандай умумлашмаган хизмат қилади бу хабар? Шарқда ҳеч қачон шошмайдилар, қайноқ чойни аста, хўплаб-хўплаб ичадилар, акс ҳолда оғиз куйиб қолиши мумкин. Бироқ Ўзбекистонда анча муддат тергов ишлари олиб борилаётганига қарамай, Тельман Гдлян бу ҳақиқатни ўзлаштириб олмаган экан. Кўп ўтмай, СССР прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Гдлян ёш боладай Бобурнинг тахти ҳақидаги гапларни жон қулоғи билан тинглашга киришди.

Солиевнинг айтишича, у ота-боболари таг-тахтли, зодагон оилага мансуб экан. Бобоси Қўқон хонининг ҳарбий вазири бўлганмиш. Бироқ, отаси ва акалари совет ҳокимияти учун жанг қилишган ва амакисини босмачилар отиб ўлдиришганмиш. Уларнинг насл-насабига тегишли бир бағоят ноёб тарихий ва маданий қадрият—Бобур мирзонинг Товус тахти шу уруғ ихтиёрида сақланиб қолганмиш. Тахтнинг охирги сақлагувчиси Солиевнинг отаси Солижон Ёқубов бўлган экан.

Хуллас, отаси ўлими арафасида Бобурнинг тахти қаерга яширилганлигини унга айтган ва ўша жойнинг харитасини ҳам чизиб берган (ажабо, худди жўн эртакнамо детектив асарларни эслатади бу). Гўёки бу тахтни республиканинг энг эътиборли кишиларидан бири қўлга киритиш ниятида эмиш ва Солиев улардан яширинib юришга мажбур бўлаётганмиш...

Шу куниёқ 1938 йилда Андижон шаҳрида туғилган Солиев Муҳаммаджон Солиевични СССР прокуратураси тергов гуруҳининг терговчиси, адлия катта маслаҳатчиси М.Е.Мисловский гувоҳ сифатида сўроқ қилади. Гувоҳ сўрови протоколлари расмийлаштирилади. СССР прокуратураси Бобурнинг тахтини қўлга киритиш операцияси режасини ишлаб чиқади ва бу режани амалга оширишга киришади. Ўнлаб сохта жиноят ишларига раҳнамо бўлган Гдлян бу ишга ҳам бош-қош эди.

Аввало, М. Солиевнинг гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Мана ўша қўшимча сўроқ протоколларидан бири.

«Москва шаҳри, 5 май, 1988 йил.

Сўроқ соат 17.20 дақиқада бошланди.

Сўроқ соат 19.10 дақиқада тугади.

Сўроқ: Сиз Бобур тахтининг тарихий ва моддий қийматлари тўғрисида нима дея оласиз?

Жавоб: Мен бу тахтни кўрмаганман ва у ҳақда отамдан эшитганларимни айтишим мумкин. Бу тахт мусулмонлар учун муқаддас бўлганлиги боис отамнинг суҳбатдошлари ҳам кўп маротаба шу хусусида сўз юритишарди. У даврларда мен бу гап-сўзларга унча эътибор бермаганман. Айтишларича, тахтни Бобурнинг невараси Шоҳжаҳонга атаб тайёрлашган. У бағоят қиммат-баҳо олмос, ёқут, зумрадлар билан безатилган бўлиши керак. Зеро, Шарқда ҳамиша тахтларни шундай сайқаллашган. У асосан тарихий ва маданий қадрият ҳисобланган. Мана шунинг учун ҳам мен тахтни давлат ихтиёрига ўтказиш керак деб ҳисоблайман.»

Сўроқ: Тахтни қай тарзда давлатга ўтказишни режалаштиргансиз?

Жавоб: Аввало бунинг учун отамнинг уйига киришимиз керак. Афсуски, бу уйни акам Солиев Иброҳим менинг рухсатимсиз 1981 йили сотиб юборган. Бироқ аниқ қайси ой эканлигини айтишим қийин. Чунки, мен 1979 йили Ўзбекистондан кетганман. Аслида мен таъқиблардан қочиб қутулган эдим ва Москвада икки йил «прописка»сиз яшагандим. Андижонга 1983 йилда, уй сотилиб кетгандан кейин қайтдим, бироқ тахт сири хуфя схеманинг қаерга беркитилганлигини айтмоқчи эмасман. Аввало отам уйига киришим керак. Аммо мени ўғри деб ўйламасликлари учун бу уйга қонуний тарзда киришим керак. Схемани қўлга киритганимиздан кейин биз тахт турган жойга йўл оламиз. Бу ер бошқа республикада, ҳозирча мен бу сирни ҳам очмайман. Фаҳмимча, бу операцияни эрта тонгда бошласак, кечгача якунлаймиз.

Яна шуни айтмоқчиманки, тахтни ҳукуматга топшириб, мен ақидапарастларнинг қаҳрғазабларига дучор бўлишим мумкин. Айни пайтда тахт яширилган жойни биладиган ягона одам менман. Оилам йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра мен тахтнинг сирини фақат давлатга очишим мумкин...

Солиев (имзо)

Терговчи (имзо)».

(Давоми 4-бетда)

ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ

ЭРТАКЛАР ОЛАМИДАГИ ТАЪТИЛ

Тошкент вилоятидаги «Конструктор» болалар оромгоҳи ҳар доимгидек гавжум. Болаларнинг қувноқ овози, турли ўйинлар ва тадбирлар: Улар эгнидаги сарғиш футболкалар ва кепкалар беихтиёр эътиборингизни тортади. Бу «Магги» савдо тамғасининг ёзги таътилни ўтказаётган болаларга ўзига хос туҳфасидир. Унинг лойиҳасига кўра оромгоҳда қизиқарли тадбирлар спорт беллашувлари бўлиб ўтмоқда. Чунончи, «Шарқ карвони» деб аталган ўйинда турли хил бекатлар мавжуд бўлиб, жамоаларга бўлинган болалар қизиқарли саволларга жавоб берадилар. Айниқса, «Пазандалик» станцияси уларга маъқул. Зеро бунда таом тайёрлаш сирларини ўрганадилар. Ғолиблар турли совғалар билан тақдирланадилар.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**





Эртадан кечгача офтоб тиғида тер тўкиб, меҳнат қилаётган деҳқоннинг кўнгилли дам олиши учун дала шийпонларида зарур шарт-шароит яратиб бериш керак. Аммо Тошлоқ туманидаги М. Эргашев номли жамоа хўжалигида дала шийпонлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мазкур хўжалик ўтган йили санацияга тушган бўлиб, йил якунида давлатга бўғдой топшириш режаси 90,4 фоизга бажарилди, холос. Ҳақли савол туғилади. Агар деҳқонга зарур шарт-шароит яратиб берилганида эҳтимол кўрсаткич бундан юқорироқ бўлармиди?! Наҳотки, хўжалик раҳбарлари шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаётган бўлса? Биз бундай бошқарув шаклидан қачон қутуламиз?!

Суратларда: *1. Жамоа хўжалигининг У. Собиров бошлиқ 1б-бригадаси дала шийпонининг бугунги аҳволи. 2. М. Машрабов бошлиқ бригада дала шийпонининг умумий кўриниши.*

ҲАР ШАНБА ОҚШОМИДА

Мамлакатимиз пойтахтида «Дискомарафон — Lady Speed Stick» маданий-кўнгилочар тадбири ўтмоқда. Ёз ойларининг ҳар шанба оқшомида тунги клубларда у ўзига хос ва бетакрор бўлади. Эстраданинг таниқли юлдузлари, модельерлар, визажистлар, атир-упа ва косметика сохасининг етакчи мутахассислари иштирок этувчи бундай тадбир MIR YULDUSI продюссерлик маркази ва Lady Speed Stick савдо тамғаси томонидан ташкиллаштирилган. Ўзига хос саҳна ва эстрада дастурларига бой маданий кўнгилочар тадбирда хушбўй маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниянинг турли танловлари, лотореялар ва совғалари ҳам ўйналади.

■ **Лобар УСМОНОВА**

ОБРЎСИГА УЧГАН ЭДИ...

Баобрў хонадонга узатилган келин уйига қайтиб келди. На эр сўради уни, на қайнона-қайнота. Айтишларича, ўғлининг келинига кўнгли йўқ экан.

Прокуратурага кекса бир отахон кириб келди.

— Набирамни бахтсиз қилиб қўйдик, — деди ўкиниб у. — Маҳалламизнинг баобрў хонадонларидан биридан совчи келди. Набирам чеварликка ўқирди. Оёқ-қўли чаққон, пазанда. Бир оиланинг гули бўлгудек. Лекин ҳали ёш, эндигина 19 га қадам қўйганди. Сўрайверib қўйишмагач, қуда бўлдик. Орзу-ҳавас билан тўю томоша қилиб узатдик. Лекин орадан кўп ўтмади, куёв бўлмишнинг ота-онаси ўғилларининг яхши кўрган қизини олиб бермай мажбурлаб бизнинг неварамизга уйлантирганликлари ҳақида нохуш хабар эшитдим. Дилим хира бўлди-ю, эътибор бермадим. Ёшларнинг ўртасида бундай гаплар бўлиб туради, ўтиб кетар, деб ўйладим. Шу орада набирам ўқишдан қайтаётиб кўчада қоқилиб, йиқилиб тушибди. Оёғи синибди. Қайнота-қайнонасига оғир ботмасин деб уйга олиб келдик. Синиқ биттунича бир-икки ой даволатдик. Лекин шу вақт давомида на қайнона-қайнота, на турмуш ўртоғи бирор маротаба ҳам унинг ҳолидан хабар олишмади. Уйга олиб келган вақтимизда гумонаси бор экан. Шу ерда кўзи ёриди. Лекин боланинг эгалари лоақал шифохонага бориб ҳам ундан хабар олмадилар. Ахийри чидай олмадим. Ўзим уларнинг уйига бордим. Лекин минг афсуски, ёши бир жойга борган, остонамизга қатнайверib набирамни келин қилган аёлнинг оғзидан «ўғлим набирангиз билан яшамайман», деяпти, деган гапни эшитдим. Ахир, бунга қандай чидаб бўлади? Наҳотки, бир бегуноҳ қизнинг ҳаётини барбод қилиб кетавериш шу қадар осон бўлса? У бир қоғоз эмаски, гижимлаб отиб кетаверсалар. Бормаган эшигим қолмади. Наҳотки бундай нопок инсонларга нисбатан ҳеч қандай жазо чораси йўқ.

Қонунчилигимизда маънавий қашшоқлик учун, қалби кўрлик учун жазо чораси белгиланмаган. Аммо, жим туришимиз учун бу асос бўлади, деб ўйлаш хато. Биз огоҳ этишни хоҳлаймиз. Вақти келиб ўз зурриёдларига арзимас нафақа пулини ҳам раво кўрмаётганлар ёки ҳали дунё юзини кўриб улгурмаган ўз фарзандидан юз ўгирган ўша ота ҳаётнинг ўйдим-чуқур сўқмоқларидан ўз йўлларини топиб вояга етган фарзандлари олдида бошларини хам қилиб туришлари тайин. Ота учун эса ўз фарзанди олдида ўзини гуноҳкор билиб яшашдан оғирроқ бахтсизлик бўлмаса керак. Бас шундай экан, дунёда ҳеч бир гўдакнинг «дадажон», дея узатган жажжи қўллари ҳавода муаллақ қолмасин. Отаси бағрига босиб эркалаётган қўшнининг боласини кўриб кўзларига ёш қалқимасин. Мурғак қалби яраланмасин. Бу аламли манзара сиз туфайли рўй бермасин, яхшилар.

Биз айтган мисолда ўғлини мажбурий уйлантирган ота-она айбдордир. Зеро, ота-оналар фарзандлари устидан ҳукмронман деб ўйласалар хато қилади. Афсуски, биз ўзбекчилик деб тарғиб қиладиган бундай ҳолатлар ҳаётда тез-тез учраб турибди. Ҳадисда айтиладики, ҳатто «Қиз ризо бўлмай ўқитилган никоҳ ҳаромдир».

■ **Мамасоли ҲАЙДАРОВ, Бухоро вилояти Ромитан тумани прокурори, биринчи даражали юрист. Матлуба ҚОСИМОВА, журналист.**

Таҳририятга мурожаат этаётган муштарийларимиз инсон ҳуқуқларига оид саволларни тез-тез беришмоқда. Бугун биз сизларни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг 1999 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи билан таништирмоқчимиз.

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Эслатиб ўтаман, (Омбудсман) институти (ҳозирча Марказий Осиёда ягона) бир неча йилдан буён Ўзбекистонда юқори самара билан фаолият кўрсатиб келаётир. Бу давлатимизнинг инсонпарварлик қадриятларига, шулардан асосийси ҳисобланган инсон ҳуқуқларига содиқлигини таъкидлайди. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, Олий Мажлиснинг Вакили, Ўзбекистон Фанлар академияси Химия ва физика институтининг директори **Сайёра Шарофовна РАШИДОВА** парламентга бўлган охирги сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутат этиб сайланди. Ва унга ҳам, партиямизга бутунлай хос бўлган адолатнинг ўткир туйғуси хосдир. Ҳуқуқий фуқаролик жамиятини бунёд этаётган мамлакатимизда Халқ демократик партиясий аҳоли барча қатламларининг манфаатларини кўп миллатли халқимиз эҳтиёжлари ва орзуларини ҳисобга олган ҳолда ҳимоя қилмоқда. Шу боис ЎзХДПнинг ярим миллиондан иборат аъзолари партия Низоми ва Дастурини қўллаб-қувватлаган ҳолда республикадаги туб қайта ўзгартиришларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

Шундай қилиб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро мажбуриятлар ва миллий қонун ҳужжатларига риоя этилиши масалалари назорат остига олинган. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикасида аёлларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро конвенцияларга риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, республикада раҳбарлик лавозимларига тайинлашда аёлларга нисбатан камситиш ҳоллари аниқланмаган. Меҳнат жамоалари, маҳаллалар, газета ва журналларнинг саҳифаларида аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда, улар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашмоқдалар, аёлларнинг ноҳукумат ташкилотлари халқаро ташкилотлар, билан ўз алоқаларини ривожлантирмоқдалар ва ҳоказо.

Текширишлар айни кезда шуни ҳам кўрсатдики, республикада ишлаётган аёлларга ишлаб чиқаришдаги ишлари билан бирга оилавий мажбуриятларни бажаришлари учун зарурий шароитлар етарли даражада яратилмаган.

Текширишлар натижалари Ўзбекистон Омбудсмани томонидан Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон фаолларининг кенгайтирилган мажлисида кенг муҳокама қилинди.

Аёлларнинг манфаатларини таъминлаш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасида биринчи марта аёлларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг доимий ишловчи мониторинг механизми яратилди.

Республика ҳудудларидан тақдим этилган материалларни ўрганиш борасида маълум бўлдики, умуман Қорақалпоғистон Республикасида, мамлакат вилоятларида аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг республика қонунлари ва аёлларнинг ҳуқуқлари масалалари бўйича конвенциялар билан таништириш бўйича анчагина иш олиб борилмоқда.

Ҳар бир вилоят, туман, шаҳарда аёллар учун ҳуқуқ марказлари ишлаб турибди. Ҳокимиятлар ҳузурида раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун аёллардан иборат ходимлар заҳираси яратилган, уларни ўқитиш учун курслар ташкил этилган. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ишлар вилоятларда сезиларли ўрин эгаллаган.

Баъзи вилоятларда аёллар ногиронлиги (Андижон вилояти), аёлларнинг маънавий қиёфасини яхшилаш, фоҳишабозликнинг олдини олиш (Фарғона вилояти), аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш (Қорақалпоғистон), жазо муддатини ўтаган аёлларга ёрдам бериш (Тошкент, Жиззах, Хоразм вилоятлари) ва шу каби муаммоларга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, 1994 йилдан бошлаб Тошкент вилоятида жазо муддатини ўтаган шахслар учун ижтимоий адаптация маркази фаолият кўрсатиб келмоқда, у жазо муддатини ўтаган аёлларни ишга жойлаштиради, уларга моддий ёрдам кўрсатади.

Умуман аёлларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш мониторинги бўйича вилоятлардан келган маълумотлар маҳаллий бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари аёлларнинг муаммоларига эътиборни кучайтирганликларидан далолат беради.

1999 йилда республиканинг ногиронлар, жисмоний ва ақлий заифликдан азият чекувчи одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиши тўғрисидаги, никоҳ ёши ва никоҳдан ўтиш, аёллар ва болаларни фавқулодда ҳолатларда ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солувчи халқаро ҳужжатларга қўшилиши ҳақида материаллар тайёрланди ва юборилди, Ўзбекистоннинг «Болалар меҳнатининг энг ёмон турларини тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ишлар тўғрисида»ги 1999 йил 17 июндаги ХМТ конвенциясини ратификация этишини мақсадга мувофиқ деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиснинг сессияларидан биридаги нутқида инсон ҳуқуқлари бўйича институтлар тизимини яратишга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятнинг миллий дастурини ишлаб чиқишни, Омбудсманнинг вилоятлардаги вакилларининг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарурий ҳуқуқий шароитларни шакллантиришга ва Омбудсман институтининг амалда мустақиллигини таъминлашни таклиф этди, зеро, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини поймол этувчиларга таъсир қилиш чоралари, унинг фаолиятини таъминловчи кафолатларнинг мавжуд эмаслиги сабабли амалга ошмасдан келаяпти. «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонун бошқа қонунлар билан ўзаро боғлиқ бўлишга муҳтож, негаки, ундаги бир қанча нормалар тегишли процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиши лозим.

Амалиёт «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонун ҳам такомиллаштиришга муҳтожлигини кўрсатмоқда. Шу боис 1999 йилда ушбу Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар ҳақидаги таклиф тайёрланди.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилига фуқаролардан 5398 та мурожаат келиб тушди, улар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ 573 та мурожаатлар алоҳида назорат остига олинди, шулардан 151 таси ижобий ҳал этилди (1.01.2000 й), қолганларининг кўриб чиқилиши устидан назорат давом этмоқда.

Мурожаатлар орасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан тушган шикоятлар кўпчиликни ташкил этади.

Доимий яшаш бўйича рўйхатдан ўтиш масалаларига оид мурожаатлар сони ҳам ошган. Аризачилар паспорт столлари ва милиция ходимлари, шунингдек ҳокимликлар комиссияларининг фуқароларни доимий яшаш бўйича рўйхатдан ўтказиш масалалари юзасидан сансалорлик фактлари ҳақида хабар қиладилар.

Бундан ташқари, 1999 йилда Вакилга олий ўқув юртларида талабаларни ўқишдан четлатишга, ўқитувчиларни ишдан бўшатиш, олий ўқув юртларига кириш тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг асосан барча хулоса ва хатларига турли идора ва ташкилотлар керакли тарзда муносабат билдиришлари ва жавоб беришларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Лекин айрим судлар (Олий суд, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари) етарлича асосланмаган жавобларини, баъзан юборилаётган хатларнинг рақами ва санасини кўрсатмасдан ҳам (Тошкент шаҳар суди) юборадилар.

Вакилнинг Олий судга, Прокуратурага ва республиканинг бошқа идораларига юборадиган хулосалари ҳар доим ҳам белгиланган муддатларда кўриб чиқилмайди, бу эса фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланиши ҳақидаги масаланинг ноўрин чўзилишига, шикоят ва аризаларни текширишда сансалорликка олиб келади.

Умуман, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилига келувчи фуқароларнинг аризаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қўпол равишда бузилишига олиб келувчи бир қатор сабабларни аниқлаш имконини беради:

— ички ишлар, прокуратура, суднинг баъзи ходимлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг, турли ташкилот ва муассасаларнинг айрим раҳбарлари малакасининг пастлиги, дунёқарашининг торлиги, ҳуқуқий нигилизм, совуққонлик, расмиятчилик, жавобгарлик ҳиссининг йўқлиги;

— шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, ҳибсга олиш, қамаш, озодликдан маҳрум қилишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш бўйича керакли прокурор ва суд назоратининг йўқлиги;

— фуқаролар жамоат тузилмалари фаоллигининг етарли эмаслиги, уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат тузилмалари билан ўзаро алоқасининг йўқлиги. Жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида ахборот-маърифий фаолият етарлича кенг ва тўлиқ амалга оширилмаяпти, қонунларни билмаслик натижасида аҳоли тегишли идоралар ва мансабдор шахслардан уларга амал қилинишини талаб этолмайди.

Бу асосан аввалги сиёсий тизимнинг қолдиқ белгилари бўлиб, уларни ҳам давлат, ҳам жамоатчилик даражасида бартараф этиш зарур.

Ҳисобот даврида (Омбудсман)нинг халқаро ташкилотлар вакиллари (БМТ, ЕХҲТ, ҚМБОК ва бошқалар) билан ва Халқаро Омбудсман Институти билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили Россия, Украина, Буюк Британия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Швеция, Нидерландия билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, улар Ўзбекистон Омбудсманига ўз фаолияти ҳақидаги материаллар ва ҳужжатларни тақдим этиш орқали кўмаклашмоқдалар.

Албатта, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг фаолияти мана шулар билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Ҳисоботда конференциялар, турли учрашувлар, хорижий вакилларни қабул қилиш ва кўплаб бошқалар ҳақида айтилган.

Газетамиз албатта инсон ҳуқуқлари мавзусига яна қайтади. Зеро, бу мустақиллигимизнинг асосий ютуқларидан биридир.

■ **Андрей ОРЛОВ**

ДОВУД ЮЛДУЗИГА ҚАРШИ

БМТнинг Женевадаги штабида Эрон вакили бўлган Али Хуррам Халқаро Қизил ярим ой ва Қизил Хоч федерациясининг мажлисида «Шер ва Қизил қуёш» акси ўрнига «Довуд юлдузи» нишонини акс эттирилишига Эроннинг тамоман қаршилигини эълон қилди.

Эроннинг Женевадаги ваколатхонаси баёнотида шундай дейилади: Эрон бошқа ислом мамлакатлари билан ҳамжиҳатликка эришиш учун Қизил ярим ой аксини маъқуллаган 1979 йилдан бери Исроил, «Шер ва Қизил қуёш» ўрнига учинчи белги бўлган «Довуд юлдузи»ни тиқиштириб келаяпти.

Бу баёнотда яна келтирилади: Федерация Шер ва Қизил қуёш ўрнига қизил ромб акс эттирилишини таклиф қилди. Токи Қизил ярим ой ва Қизил Хоч нишонини ёқтирмайдиган мамлакатлар уни ўзларининг миллий аломатлари сифатида қабул қилсинлар.

Мазкур баёнотда шундай дейилади: «Исроил бу ромбнинг қабул қилинишини ҳам нишоннинг ярмида Довуд юлдузи акс эттирилиши билан боғлиқ қилиб қўймоқда».

■ **Чоршанби ҲОЛМАТОВ**

ЯНГИ АГЕНТЛИК



Яқиндан бошлаб Россия телевидениесида янги «Lapsha.RU» номли ахборот агентлигини реклама қилмоқда. Ҳа, Россияда яна бир янги мустақил ахборот агентлиги фаолият юрита бошлади. Жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари каби бу агентлик ҳам ўз материалларини ўқувчиларига асосан «Internet» орқали тарқатишни бошлади.

Агентлик фаолият лойиҳаси Ростов шаҳридаги W3D Group дизайн гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган. W3D Group арт-директори Антон Болотовнинг айтишича, янги лойиҳа «таъқиқланган суратлар», «яширин камералар», «майнавозчиликлар» каби барчанинг жонига теккан сайтларга қарши тузилган. Биз кўнгилочар мавзудаги энг сифатли сайтни яратмоқчимиз», — деб изоҳ беради Болотов. Саҳифада мавжуд хабарларни сиз бошқа манзилларда учратмаймиз. Барча материаллар қизиқарли, енгил тил билан ёзилган ва чиройли суратлар билан безатилган.



ДЕЛЬФИН БИЛАН ГАПЛАШИНГ

Одамлар ва дельфинлар ўртасидаги мулоқот ўта юксак даражада бўлиши ҳеч гап эмас экан. Дельфинлар устида тадқиқот ўтказаётган олим Херман ўз қарамоғидагиларни ўзаро «восита тили»га ўргатди. Масалан, сув узра параллел равишда узатилган қўллар «сакра»ни англатади. Луғат ҳажми ана шундай элликта «сўз»га етказилган бўлиб, улардан бутун бир «гап»ни тузиш мумкин. «Ҳавза бўйича суз, шўнғи» ва ҳоказолар. Олим ўз тадқиқотлари натижасини шундай баён қилди: «Улар сўраган нарсангни бажо келтирадилар — уларни тушунишимиз учун эса биз бирон нарсага таяна олмаймиз».

МУДОФААГА ЭЪТИБОР

АҚШ сенати мамлакат мудофаа соҳасининг 2001 йилги бюджети лойиҳасини маъқуллади. Лойиҳада келаси йил бу соҳа учун 309,9 миллиард доллар ажратиш кўзда тутилган. Бу кўрсаткич февраль ойи бошида Президент Билл Клинтон таклиф қилган миқдордан 4,5 миллиардга кўп.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, мазкур маблағнинг 64 миллиард доллари ҳарбий техника сотиб олишга, 1,9 миллиарди ракетага қарши мудофаа тизимини такомиллаштиришга ажратилади. Сўнгги йилларда АҚШ ҳарбий техника сотиб олиш учун катта маблағ ажратмоқда. Хусусан, 1999 молия йилида бунинг учун 44 миллиард доллар харажат қилинган бўлса, бу йил бу рақам 53 миллиард долларга етади.

ШАҲЗОДА СУДДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Британия қироличасининг яқин қариндоши Ханновер шаҳзодаси Эрнст Август жамоат жойларда ҳар хил жанжалларга сабаб бўлаётгани учун жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлди.

У меҳмонхона соҳибига тан жароҳати етказганликда айбланмоқда. Воқеа шаҳзоданинг оиласи Лама оролида Йозеф Брунленерга тегишли меҳмонхонада дам олаётган вақтда содир бўлди. Аслзода, меҳмонхонанинг дискотека залидан таралаётган мусиқа садосидан ғазабга келиб, меҳмонхона иш юритувчисидан ўйин-кулгуни бас қилишни талаб қилди. Муросасиз тортишув муштлашувга айланди ва ён атрофдагилар аралашуви билан бостирилди.

Ўтган ҳафтада ҳам шаҳзоданинг Ханноверда ўтган «Экспо—2000» халқаро кўргазмада кўрсатган қилмишлари учун вақтли матбуот саҳифаларида боплаб «саваланган» эди. Шаҳзодага бу камлик қилган кўринади. Эндиликда у аввалгидан ҳам кучлироқ муассаса—суднинг қаҳрига учради.

Ҳинд удумлари

ЎН КИШИГА БИР КАЛАМУШ

Кейинги йилларда Нью-Йорк шаҳрида каламушлар тез кўпайиб бормоқда, — деди шаҳар мери Рудольф Жулиони журналистлар билан бўлган мулоқотда. Бу зараркунандаларни йўқ қилиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Аммо, муаммо шундаки, кейинги йилларда пайдо бўлган каламушлар зоти, уларни йўқ қилиш учун чиқарилган махсус кимёвий заҳарли моддаларга мослашиб бормоқда. Бу ерда каламушларга қарши кураш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Маълумотларга қараганда, айни пайтда Нью-Йоркда ҳар 10 кишига бир каламуш тўғри келар экан.

ИЛМУ ҲИКМАТ— СУВНИ ЁНДИРАР

ЭНДИ НОБУД БЎЛМАЙДИ

Кўз ёриш арафасида бола ташлаш оналар учун энг қайғули воқеа бўлса керак. Бир-икки фоиз аёллар бундай фалокатни ўз ҳаёти давомида бир неча марта бошидан кечириши бор гап. Бундай кўргиликнинг учдан икки қисмини изоҳлаш қийин — ҳатто шифокорлар ёрдам беришга ожизлик қилишади. Бироқ бугунги кун фани энди бу борада умид уйғотмоқда, яъни Хайфдаги «Рамбам» шифохонасининг тромбозлар бўлими бошлиғи, профессор Беньямин Бреннер такрор боласини ташлайдиган аёлларнинг тўртдан уч қисмига ёрдам бериш имконини топди. Сўнгги уч йил мобайнида у ҳамкасблари билан биргаликда бу соҳада тадқиқ ўтказиб, тромбофилия — қоннинг ҳаддан тез қуюқланиши — такрор бола ташлаш ва вақтидан олдин бола туғилишининг асосий сабаби эканлигини аниқлашди.

Қоннинг тез қуюқланиши оқибатида ҳомила плацента орқали онаси организмидан келаётган овқат ва ҳаводан маҳрум бўлади. Бундай бузилиш ҳомиладорликнинг биринчи, иккинчи ва ҳатто учинчи босқичида ҳам ҳомила вафот этишига олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, Бреннер боласини такрор ташлаган оналарга қонини анализ қилишни тавсия этади, бу уларда қон қуюқлашиши муаммоси бор-йўқлиги сабабларини аниқлашга имкон беради. Агар тахмин тасдиқланса, ҳомиладор аёл ҳар куни кам улушда эноксапарин (enoxaparin) — қон қуюқланиши жараёнини бошқарадиган дорини қабул қилиши зарур.

Профессор Бреннернинг сўнгги клиник тадқиқи боласини такрор ташлаган аёллар гуруҳини ўрганиш имконини берди. Даволанмаган 193 ҳомиладор аёлнинг атиги 38 нафарида (яъни бешдан бирида) тирик бола туғилди. Ташхис қўйилиб, эноксапарин билан даволанган 61 ҳомиладор аёлнинг 46 нафари (75 фоизи) тирик боланинг онаси бўлди.

Бугунги кунда Исроил бўйича 17 та касалхонада дорининг мақбул улушини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу боласини такрор ташлайдиган аёлларнинг кўпроғига она бўлиш бахтини беради. Эноксапариннинг кам улуши ҳеч қандай оғир оқибатларга олиб келмайди. Қон қуюқланишига тўсқинлик қиладиган бошқа дорилар ҳам бор, уларни хапдори сифатида ютилади, лекин у йўлдош орқали ҳомилага етиб бориши ва унинг ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, эноксапарин инъекциясида бундай хатар йўқ, дейишмоқда олимлар.

Уй шароитида инъекцияларни мунтазам қилиб туриш зарурати муайян қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин, албатта, бироқ профессор Бреннер боласини такрор ташлаш азобини чекаётган ҳомиладор аёллар билан кўп йилдан буён ишлар экан, боласи омон қолишини билгач, инъекциядан воз кечадиган бирорта аёлни учратмаганини айтди. Бир аёл 14 марта бола ташлаганидан сўнг эноксапарин билан даволангач, яқинда соғлом бола кўрди.

Профессор Бреннернинг сўнгги ишлари Британиянинг Thrombosis Haemostasis тиббий журналида эълон қилинди. Унинг ихтиросидан кейин ҳомиладор аёлларда қон қуюқланишини тезкор даволаш Исроил шифохоналарида одатий ҳолга айланди ҳамда Европада, шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам синовдан ўтди.

■ **Рукн материалларини INTERNET хабарлари асосида Худоёр ҲАМИДОВ тайёрлади.**

ЁЗ МУАММОЛАРИ

СУВДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёз пайтлари оқар сувда чўмилиш завқли. Бироқ айрим ҳолларда сувда чўмилиш ҳодисалари кўнгилсизлик билан тугаётганлиги ачинарлидир. Бунинг асосий сабаблари айрим фуқароларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир.

Хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олган минг бора афзал. Ана шуларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги «Нажоткор» республика қидирув-қутқарув маркази, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги «Халоскор» ҳарбийлаштирилган тезкор ҳаракат қисми ҳамда барча вилоятлардаги бошқармаларда сувдан қутқариш хизматлари фаолият кўрсатаяпти. Қутқарувчилар гуруҳининг аксарияти гаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар сувга чўкканларни қутқаришдан ташқари биринчи навбатда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ҳам ўзлаштириб олганлар. Бироқ шундай бўлишига қарамасдан, сувга чўкиб нобуд бўлаётганлар учраб турибди. Баъзи ҳолларда чуқур сув қаърига тушиб кетганларнинг жасадини топишнинг ҳам иложи бўлмай қолаяпти. Шунинг учун ҳам халқимизда: «Ўзини асраганни Оллоҳ ҳам асрайди», деган гап бежиз айтилмаган.

Шундай экан, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти учун ўзи курашмоғи керак. Одамлар гавжум бўлган чўмилиш масканларида сувдан қутқариш хизматининг транспорт воситалари, моторли қайиқлар, тезкор алоқа, гаввослик кийим-кечаклари ва бошқа асбоб-ускуналар мавжуд. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, биз юқорида санаб ўтганларимизнинг ўзигина кифоя қилмайди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари, турли йиғинларда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1997 йилда 355 нафар киши сувдан қутқарилган бўлса, 1998 йилда эса 377 кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Шу йилнинг 14 июнь куни Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи катта магистрал каналда оилавий дам олишга чиққан уй бекаси И. Г. чўмилиш мақсадида сувга шўнғийди. Сузишни яхши билмаслиги натижасида мувозанатини йўқотиб сувга чўка бошлайди. Хайриятки, бу аёлнинг бахтига сувдан қутқариш постларини назорат қилиб юрган вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг инструктори Фарҳод Розиқов ва қутқарувчи-гаввос Фазлиддин Хўжамқулов тезда



етиб келишди. Зудлик билан уни сув тубидан қутқариб қирғоққа олиб чиқишди ва унга тез тиббий ёрдам кўрсатиб, ҳаётини сақлаб қолишди.

Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган бундай кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар республикамиз вилоятларидан вазирлигимиз навбатчилик қисмига тез-тез келиб турибди. Афсуски, сувга ғарқ бўлганларнинг ҳаммасининг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаяпти.

Ачинарли томони шундаки, келаётган баъзи маълумотларга кўра, сувга чўкаётганларнинг аксариятини болалар ташкил этади. Масалан, Хоразм вилоятида сувга чўккан-ларнинг 16 нафаридан 10 таси ёш болалардир. Баъзан шундай ҳодисалар ҳам учрайдики, яхши ниятлар билан чўмилиш масканларига оилавий бўлиб чиққанлар орасида ҳам бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» сув омборида она-болаларнинг чўкиб кетишгани тўғрисида тушган маълумот ҳам ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди.

Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан келган маълумот ҳам бошқалардан фарқ қилади. Вилоят ҳудудида жойлашган «Тўполон» сув омбори ёқасидан қўшни қишлоққа келин-куёвни ва уларнинг қариндошларини олиб кетаётган «КамАЗ» юк машинаси носозлиги оқибатида сувга ағанаб кетган. Машинада бўлганлар ерга ташлаб жонларини сақлаб қолишга улгурганлар. Келин-куёвлар эса... Ҳар қанча қийин бўлмасин, сурхондарёлик қутқарувчи-гаввослар сув омборининг 40 метр чуқурлигида қолиб кетган келин-куёвларнинг жасадини ва автомашинани олиб чиқишди.

Бу мақолани ёзишимиздан асосий мақсадимиз шуки, ҳар бир эҳтиётсизлик ёши ва жинсидан қатъий назар инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фуқаронинг хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиши тавсия этилади. Нафақат катта сув ҳавзаларида, балки кичик дарёлар ва истироҳат боғларидаги кўлларда чўмилишда ҳам эҳтиёт бўлиш шарт. Айниқса, бундай жойларда болаларнинг назоратсиз чўмилишига йўл қўймаслик керак.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, сувдан қутқариш хизматини ташкил қилишда ва чўкаётганларнинг ҳаётини сақлаб қолишда Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасига қарашли қутқарувчи-гаввосларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. Бошқарма маълумотларига қараганда, 1999 йилда 74 киши сувга чўккан бўлиб, шундан 23 киши қутқариб қолинган. Бу йил эса 45 кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Пировардида шуни айтмоқчимизки, ҳар бир инсон ўзи ва атрофдагилар учун хавфсизлик чораларини кўрсаларгина ўз оиласи ва қариндошларини чуқур қайғуга солиб, ноқулай аҳволда қолдирмайдилар Чунки халқимиз ўт балосидан, сув балосидан ва бемаҳал ўлимдан Яратганнинг ўзи асрасин, дея бежиз айтмаган.

■ **Азамат СУЮНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот котиби

(Давоми. Боши 2-бетда)

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

МИРЗО БОБУРНИНГ ТАХТИ

ёки Гдляннинг шарманда бўлиши

Дунёнинг энг қудратли мамлакатларидан бирининг прокуратурасидаги энг нуфузли мансабда ишловчиларнинг лақмалигидан лол қолган киши. Ахир Бобурнинг тахтидек қимматбаҳо, нодир буюм шу пайтгача яширин тура олишига ким ишонади? Солиевнинг гаплари эса чўпчакдан ўзга нарса эмаслиги кўриниб турибди. Бироқ, СССР прокуратураси ходимлари шу чўпчакка лаққа тушишди.

Операциянинг фавқулодда маҳфийлигини ҳисобга олиб, аввалига унда фақат тергов гуруҳи раҳбарлари ва учтўртта етакчи, алоҳида ишончга сазовор терговчилар иштирок этадиган бўлди. КГБ ва ички ишлар вазирлиги тезкор хизматларининг иштироки гўё гувоҳнинг бу идораларга нисбатан ўта ишончсизлиги боис рад қилинди. СССР прокуратураси ходимларининг чекланган қисми гувоҳ билан бирга унинг отаси уйига киради. Уйдаги хуфя жойдан тахтнинг яширилган ери схемасини олади, сўнгра эса автомашиналарда Ўзбекистон ҳудудидан яширинча чиқиб, Қирғизистоннинг Ўш шаҳарини четлаб, Помир тоғларига, Хитой чегарасига яқинлашади. Баланд тоғлар бағридаги чуқур жар ичида Бобурнинг тахти сақланармиш. Тахт қўлга киритилгач, у Ўзбекистонга олиб кирилмайди, гўё бунда мусулмон ақидапарастлари тахтни тортиб олиб, терговчиларни қийма-қийма қилиб юборишлари мумкин. Айланма йўллар билан тахт Москвага етказилади.

Терговчи Мисловский Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейида бўлди. Экспертлар Бобурнинг тахти ҳақиқатда бўлганлигини тасдиқлашди. (Ана сизга исбот! Бобурнинг тахти нега бўлмасин? Ахир тахтсиз подшоҳ бўладими?) Энди бу ёғи тўқима: Гўё Ҳиндистон тахти Қўқон хонлигига келиб қолганмиш. Инқилобдан сўнг у босмачилар қўлига тушиб, Фарғона водийсида йўқолганмиш.

Солиев Андижонга жўнатилди. У Москвадан хабар бўлгунча кутиб туриши керак эди. Бўлғуси операциянинг номи «Бобурнинг тахти» деб аталди. Бу ҳақда СССР прокуратураси тергов қисми бошлиғи Каракозов хабардор қилинди. У, эса ўз навбатида Бош прокурорнинг тергов бўйича ўринбосарига, ўринбосар Бош прокурорнинг ўзига шу хабар билан чиқди...

Орадан бир неча йил ўтгач, мўлжалланган режани амалга оширишга рухсат олинди. Солиевнинг қаршилигига қарамай, КГБ ва Ички ишлар вазирлиги билан тергов гуруҳини тезкор қувватлаш хусусида келишиб олинди.

Терговчи Мисловский Тошкентга учиб кетди ва бу ерда Москванинг энг ишончли тезкор ходимлари билан умумий ҳаракатнинг ипидан игнасигача пухта режаси ишлаб чиқилди. Ўтказилаётган тадбирнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, разилона қилмишлари билан маълуму машҳур Э. Дидоренко энг замонавий қуроллар билан таъминланган, бронжилетлар ва алоқа воситаларига эга 20 нафар жангчи ажратди. Бу гуруҳга қуролланган маҳаллий КГБ ходимлари ҳам қўшилдилар. Машиналар карвони тонг қоронғусида Тошкентдан йўлга чиқди ва уч соатдан кейин Андижонга кириб борди. Улар келишилган жойдан Солиевни олиб, унинг собиқ уйига жўнашди. Ўша ондаёқ бу уй жойлашган кўчанинг ҳар икки томонини автоматчилар отрядлари тўсишди! Бошқа қуролланган жангчилар эса Солиевнинг отаси уйига деворлардан ошиб кириб, жанговар позицияларни эгаллашди!..

Эрталаб ювиниш учун ташқарига чиққан уй эгалари аҳволни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Уй атрофи тиш тирноғигача қуролланган, бронжилет кийган жангчилар билан ўралган, ҳар бир дераза, эшик тагида иккитадан автоматчи қурол ўқталиб турибди! Жон-пони чиққанича қотиб қолган уй эгаларига терговчи тинтув ўтказиш ҳақидаги прокурор қарорини кўрсатди...

Солиевга тахт сири битилган схемани топишни буюрди. У терговчиларни хонадон эгалари ётоғига бошлади. Ётоқ ўртасида эски сандал бор эди.

— Схема шу... Сандал остида, — деди у аста.

Хазина ишқида юраклар патирлаётган азаматлар шитоб билан сандал тагини ковлашга тушдилар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг лақма хазинатопарлар эрта тонгдан шом қоронғусигача сандал таги, атрофларини кўрсичқондай кавлаб ташлашди. Ҳар бир сиқим тупроқ элакдан ўтказилгудай текширилди. Кечга бориб бу уйни юз йил қазиган тақдирда ҳам урвоқдай танга чиқмаслигига ақллари етгач, терговчилар Солиевга юзланишди:

— Қани схема?!

— Овора бўлманглар, мен адашдим шекилли, бу ерда ҳеч нарса йўқ, — деди у аста.

Аслида шунча ваҳима, оворагарчилик, ўринсиз ҳаражатлар, беҳуда кетган вақт учун кимдир масъулиятни бўйнига олиши керак эди. Аммо ҳеч ким ҳатто танбеҳ ҳам олмади.Солиевни эса бамайлихотир уйига жўнатиб юборишди...

Гдлян ўзининг ва СССР прокуратурасининг ўсал бўлганлигини пардалаш мақсадида гўё Ўзбекистондагилар бизни йўқ қилиш учун шу найрангни ишлатишган демоқчи бўлади.

Гўёки Ўзбекистондаги баъзи бир гуруҳлар СССР прокуратураси тергов гуруҳи раҳбарлари ва энг яхши терговчиларни йўқ қилиш мақсадида шу операцияни ишлаб чиққан эмишлар. Ва шу боис Солиевдан фойдаланган эмишлар. Қизиғи шундаки, андижонлик Муҳаммаджон Солиевнинг таржимаи ҳолида унинг гапларини рост-ёлғонлигини текшириб кўриш учун сабаб бўладиган нуқталар бор. Яъни бу одам... олти марта судланган эди. Во ажабо! Ўша йиллари юзлаб гуноҳсиз кишиларни «Пахта иши» баҳонасида турмаларга ташлаган, ҳалол, умр бўйи далада тер тўкиб оддий деҳқонларни алдоқчи, фирибгарликда айблаган СССР прокуратурасининг юрагидаги одамлар мана шу шахснинг гапига лаққа учиб, юзлаб одамлар иштирок этган операцияни бошлаб юборганларини қаранг! Бу калтабинликми, нодонликми? Гдляннинг айтишича, тергов гуруҳи Тянь-шань тоғлари бағридаги чуқур, кондай бир томони очиғу, теварак атрофи берк дарага кириб қолганларида уларни ўлдириш режалаштирилганмиш. Гўё терговчиларни йўқ қилишса, барча ишлар ўз-ўзидан сувга чўккан тошдай, изсиз йўқолади. Бу аҳмоқона тахминга балки Гдлян ишонар, лекин ақли расо одамлар мулоҳаза қилишади-ку. Ахир, мабодо бир жиноий ишни олиб бораётган терговчи фавқулодда ҳалок бўлса, қайси давлат прокуратураси жиноий ишни ёпади? Бунақа чўпчакка ким ишонади? Холбуки Гдлян шундай деб айтган эди...

Хуллас, юқорида рўй берган воқеа ўша пайтларда Тельман Гдлян гуруҳининг қанақанги шошма-шошарлик билан иш олиб боргани, бу гуруҳ фаолияти асосан ёлғон ва миш-мишларга таянганини кўрсатувчи, Ўзбекистонни, ўзбек халқини обрўсизлантириш мақсадида ўша пайтдаги маркав ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаганини кўрсатувчи яққол далилдир.

Ҳайриятки, Истиқлол туфайли Гдлянга ўхшаганларнинг миси чиқди. Улар бутун жаҳон олдида шармандаи шармисор бўлдилар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

СПОРТ

ЮЗИ ЁРУҒ ПОЛВОНЛАР

Анталияда бўлаётган кураш бўйича жаҳон чемпионати поёнига етди. Қарийб бир ҳафта давом этган қизғин ва муросасиз беллашувларда жаҳоннинг 40дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган ўзбек кураши ошуфталари 2-марта ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ғолиблик супасини кўзлаб астойдил маҳорат кўрсатдилар. Барча нуфузли мусобақаларда бўлгани каби Анталияда ҳам спортчилару меҳмонларнинг маданий-маиший дам олишлари, бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун алоҳида тадбирлар уюштирилди. Ўзбекистондан борган санъаткорлар ўз чиқишлари билан мухлисларни хушнуд этдилар. Халқаро кураш ассоциацияси аъзоларининг навбатдаги конгрессида эса спортнинг тобора оммавийлашиб бораётгани, кураш турига эътибор ортаётгани, турли мамлакатларда федерациялар тузилаётгани ва яқин йилларда амалга оширилиши кўзланган муҳим масалалар юзасидан мулоҳазалар юритилди.

Мусобақада эса кураш ватанидан Анталияга борган юртдошларимиз курашнинг жозибали жиҳатларини намойиш этишга астойдил ҳаракат қилдилар. 73 килограммли вазнда Маҳтумқули Маҳмудов ҳал қилувчи беллашувда болгар полвонини таслим этиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Маълумки, Маҳтумқули биринчи жаҳон чемпионатида Бразилия курашчиси Александр Карсуракка имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан қаноатланган эди. Бу сафар унинг юзи ёруғ бўлди. 90 килограмм вазнли Баҳром Авазовнинг майдонга чиқиши ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Бу йигит жаҳон чемпионатига саралаш баҳси тарзида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида юртдоши Файзулла Очиловни мағлубиятга учратган эди. Анталияда эса барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ғалаба завқидан баҳраманд бўлди. Ҳар иккала полвон шарафига Ўзбекистон мадҳияси таралиб, мовийяшил байроғимиз кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, иккинчи жаҳон чемпионати ҳам мухлису мутахассисларда ажиб таассурот қолдирди.

■ **Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ**



Аравакаш чанқади... Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Кўчқор Норқобил

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 602

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.30
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги республика академик иқтисодиёт лицейи томонидан Бобомурод Умарович ПАРДАЕВ номига берилган O'R-A 916406 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

28 июля, 11 августа 2000 г. в 10⁰⁰. часов Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит аукцион

По реализации автотранспортных средств, принадлежащих:

1. АО «12-автобус саройи» Ташгорпасстранса, расположенному в Сергелийском районе, массив Спутник, 12 кв-л:
— автомобиль «ГАЗ-2411», гос. № 10 АН 622, **стартовая цена 264 396 сумов.**

2. Автопредприятию «Узводвнештранса» Гос. концерна «Узводстрой», расположенному в Бектемирском районе, ул. Соловьева, 1:
— автомобиль «ГАЗ-24», гос. № 10 AJ 228, **стартовая цена 125 130 сумов;**
— автомобиль «ГАЗ-2401», гос. № 68-85 ТНБ, **стартовая цена 151 084 сума.**

По реализации квартир, принадлежащих Акмаль Икрамовскому хокимияту г.Ташкента.

Стартовая стоимость квартиры, расположенной по адресу: массив Чиланзар, 11 квартал, дом 24, кв.110 — **635 238 сумов.**

Стартовая стоимость квартиры, расположенной по адресу: массив Чиланзар, Г 9а квартал, дом 24, кв.62 — **1 017 802 сума.**

По всем вопросам обращаться в Ташкентский городской муниципальный биржевой центр, расположенный по адресу: ул. А.Кадыри, 13, комната № 1. Тел. 144-72-50.

«Лаззат» очиқ хиссадорлик жамиятига Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан берилган № 2679881381 рақам билан рўйхатга олинган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ